



# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat\_gazeta@message.uz

www.adolat.uz

№ 10 (922)

2013-yil, 15-mart, juma



## “Хар кунинг ўлсун Наврўз...”

### Тараддуд

Фасллар келинчаги, уйғониш ва тириклик тимсоли бўлмиш гўзал баҳор бутун борлиққа ўз сепини ёйган шу кунларда халқимизнинг энг кўхна байрами — Наврўз шодиёналарига юртимизда қизгин ҳозирлик кўрилмоқда.

Наврўз ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор кудрати ва чексиз саховатининг, кўп мингйиллик миллий қиёфамиз, бемисл урф-одатларимизнинг бетакрор ифодасидир. Мустақиллик туйғули янада янгича мазмун ва мо-

хият билан бойган умумхалқ байрами Наврўз юртимиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқ, маҳалла ва хонадонда кенг нишонланади. Бу тадбирларимизнинг бетақрор ифодасидир. Мустақиллик туйғули янада янгича мазмун ва мо-

аъналар яққол намоён бўлади.

Бугун “Бойчегагим бойланди, Қозон тўла айронди...” дея кўшиқ айтиб, чучмома улашиб юрган болажонларни ҳар бир маҳаллада учратасиз. Кайвонди момоларимиз бошчилигидаги қиз-жувонлар ўзбекнинг азалий баҳорий таоми — сумалак тайёрлаш тадоригига тушиб қолишган. Бунинг учун йигитлар ўчоқ қазишган, шох-шаббалар ташишган. Бугун табаррук боболаримиз шундай дориламон кунларга етганларига шукрлар айтишмоқда.

Бугун ҳар бир кўча, гузар, қишлоқ, туман ва вилоятлар марказлари, шаҳарларимиз кўзни қамаштирар даражада ўзгача чирой касб этган. Бу ҳам бежиз эмас. Ахир кўкларнинг ўзи гўзаллик, Наврўз эса шундай бемисл гўзаллик салтанатининг тенгсиз маликаси-дир. Зеро, уйғониш гўзалликдан бошланади, табиатнинг ранго-ранглигидан, ажиб жозиба ва мафтункор тус олишидан бошланади.

Бугун табиат уйғонмоқда, дов-дарахтлар уйғонмоқда, она-замин уйғонмоқда. Қийғос оппоқ гуллаган дов-дарахтлар Обод турмуш йилимизда дас-

турхонимиз мева-чеваларга янада бой бўлишидан шохидлик бераётгандай. Далаларда бошланган деҳқончилик юмушлари эса мўл ҳосил гаровидир. Одамларда яққол кўзга ташланиб турган неқбин кайфият, ижодкорликка, яратишга интилиш эса турмушимиз янада фаровон ва обод бўлишидан далолат.

Янги кун — Наврўз айёми арафасидамиз. Ҳазрат Алишер Навоий лутф этганларидек, ўтаётган ҳар кунимиз Наврўзга эврилсин. Кириб келаётган байрам ҳаммамизга муборак бўлсин!

## Фракциялар масъулияти янада ошмоқда

### Муносабат

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципни ҳаётга изчил татбиқ этишга, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини яратишга, давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатимизни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилган ислохотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши ва амалга оширила бошлаши бу соҳада олиб борилётган кенг кўламли ишларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди.

Айниқса, Концепциянинг асосий мақсад ва гоёларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг кўламли демократик ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказилишида парламент ролини оширишнинг муҳим омилига айланди.

Бу конституциявий қоида парламентнинг ижроия ҳокимиятга таъсирини янада оширади, энг асосийси, ҳукумат фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кенгайтиради, ҳукумат фаолиятининг шаффоқлигини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда, демократик ўзгаришлар натижасида кўппартиявийлик тизими мустаҳкамланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибидagi партия фракцияларининг фаолияти янада жонланмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари олдида қонунчилик жараёнини янада демократлаштириш, ўтказилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун парламентдаги сиёсий партияларни фаоллаштириш, уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, бу жараёнда аҳоли турли гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларини ҳамда орау-умидларининг, мамлакатимизда олиб борилмоқда.



### Диққат: танлов!

## ОБОД турмуш юрт

“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти газета муаллифлари, барча ижодкорлар иштирокида “Обод турмуш йили”га бағишланган “Обод турмуш — обод юрт” танловини ўтказди.

Юртимизнинг тинчлиги, дастурхонимизнинг тўқинлиги, азиз фарзандларимизнинг ҳар томонлама қомил инсонлар бўлиб вояга етаётгани ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалаётгани халқимизнинг, ҳар биримизнинг энг қатта ютуғимиз, буюк келажагимизга бўлган ишончимиздир.



### Кўз равшан — кўнгил нурафшон

Марказдаги шифокорлар қабулига нафақат республикамиз фуқаролари, балки Қозғоғистон, Азербайжан ва шунга ўхшаш МДҲ давлатларидан фуқаролар ҳам келаётганлигининг гувоҳи бўлди. Ҳафталикнинг ўтган тўрт куни ичида 60 га яқин бемор қабул қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.



### Йўл бошида адашманг

Чет элга бориб ишлашни ихтиёр қилганлар учун ҳам барча шарт-шароитлар мавжуд. Ҳеч қандай тўсиқ ёки тақиқ йўқ. Хорижга чиқиш тартибларини кўпол равишда бузиш, бунинг учун сохта ҳужжатлар тайёрлаш, бегона юрда ўзимиздан чиққан фирибгарларнинг қўлига тушиб, ўз Ватанига, халқига тўхмат тошларини отишни эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундайларнинг юзи оила аъзолари, фарзандлари, дўст-қардонлари олдида қора бўлади. Бу доғни ювиш жуда мушкул иш.



## Қонун устуворлиги

маблағларнинг мақсадли, тўғри сарфланишини таъминлайди

### Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Партиянинг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар иштирок этган йиғилиш кун тартибидagi биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2012 йилги ҳисоботи тўғрисида палата бош инспектори О.Рустамовнинг ахбороти тингланди.

Маърузачи Ҳисоб палатаси томонидан “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Давлат бюджетининг 2012 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилганлиги, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджети лойиҳасининг экспертизаси амалга оширилганлиги, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида, сиёсий партиялар молиявий даромадларининг тўлиқ шаклланиши ҳамда уларнинг мақсадли сарфланиши текширилганлигига эътибор қаратди. Давлат бюджети таркибидa йиғилadиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг тўлиқ шаклланиши, улардан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилиши устидан муттасил назорат олиб борилган.



Истеъдодли ёш адолатчи

## Ёшлар орзулари йўлида қанот

«Ёш адолатчилар» қанотининг иқтидорли аъзоларидан бири Муҳаббатхон Таирова Давлат мукофоти совриндори бўлди















